

Учқўрғон тумани ҳокимлигига номзод Мирханов Дилшод Абдуллаевичнинг туманни 2025-2029 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган устувор вазифалари юзасидан

ТАҚДИМОТИ

Учқўрғон тумани аграр туман бўлганлиги сабабли ўтган йиллар давомида Ҳукуматимиз томонидан яратиб берилган имкониятлардан самарали фойланилиб, қишлоқ хўжалигида йилдан йилга пахта ва ғалла ҳосилини етиштиришда ҳосилдорликни ошириб келинмоқда.

Келгуси йилларда ушбу ишларимизни узвий давом еттириш билан биргаликда туманда саноат ва хизмат кўрсатишни ривожлантиришни режалаштирганмиз.

Туманда 2025-2029 йилларда саноат ишлаб чиқариш ҳажми **1,5 баробарга (1,5 трлн.сўм)**, қишлоқ хўжалиги **1,2 баробарга (3,8 трлн.сўм)**, қурилиш ишлари **1,7 баробарга (938,2 млрд.сўм)** ва хизмат кўрсатиш **1,6 баробарга (1,9 трлн.сўм)**га ортиришни режалаштирганмиз.

Бунинг учун мавжуд имконият ва захиралардан оқилона фойдаланган ҳолда маҳаллий ва чет эл инвесторларини жалб қилиш чоралари кўрилади;

мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш ҳисобига саноат кўрсаткичини барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминланади;

саноат кўрсаткичлар натижаларини таҳлил қилиш ҳамда “пастдан юқорига” тамойили асосида муаммоли масалаларни ҳал этиш чораларини кўриб борилади;

йирик саноат тармоқлари ва ҳудудий корхоналар ўртасида саноат кооперациясини ривожлантирилади;

ишлаб чиқариш ҳажмини камайтирган йирик ва ўрта корхоналарнинг манзилли рўйхатини шакллантириб бориш, камайтириш сабабларини доимий ўрганиб борилади ва бартараф этиш юзасидан зарурий чоралар кўрилади.

Хизмат кўрсатиш соҳасида янгича ёндашувлар асосида тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва мавжудларига кўмак бериш ҳисобига **2325 та** янги лойиҳаларни ишга тушириш ва **9,7 минг** нафар аҳоли бандлигини таъминлаш.

Ҳудудий инвестиция дастурига кирган қиймати **421 млн. долларлик 215 та** хизмат кўрсатиш лойиҳаларини амалга ошириш ҳисобига **4,5 минг нафар** иш ўринлари яратилади.

Туманда 2025-2029 йилларда **1.5 минг** гектар ер майдонларини фойдаланишга киритилади

Туманда **12,0 км** коллектор-дренаж тармоқларини, **7 дона** кузатув қудуқларини реконструкция қилинади.

212,4 км суғориш тармоқларини, **5 дона** гидротехник иншоотларни, **2 дона** тик суғориш қудуқлари реконструкция қилинади.

Янги ташкил этиладиган кичик бизнес субъектлари сонини йилдан-йилга ўсишини ва яшовчанлигини таъминлаш, бунда 2025-2029 йилларда жами **2295 та** янги кичик бизнес субъектларини ташкил этиш.

Бюджет тушумларини кўпайтириш, солиқ базасини кенгайтириш ва солиқларни йиғиш самарадорлигини ошириш орқали маҳаллий бюджетнинг келгуси 5 йилда барқарор бўлиши ҳамда 2029 йилга келиб бюджет тушумлари прогнози **147,6 млрд.сўмга етказилади.**

Бунда:

- жаҳон бозорида айрим турдаги стратегик аҳамиятга эга товарлар нархларининг ўзгариши;

- халқ истеъмоли товарлари импорти ҳажмининг ошиши;

- асосий акциз ости товар ва маҳсулотларнинг режалаштирилган ишлаб чиқариш ҳажмларини;

- солиқ сиёсатидаги ўзгаришлар, айрим имтиёзларнинг бекор қилиниши шунингдек, вақтинчалик берилган имтиёзлар муддатининг тугашини;

- маҳаллий бюджетнинг қўшимча даромад манбаларини кенгайтириш хуфёна иқтисодиётнинг улушини қисқартиришни;

- дам олиш масканлари, савдо ва хизмат кўрсатиш объектларини солиққа тортиш қамровини кенгайтиришни;

- норуда қазилмалар ва сув ресурслари электрон назорат қилиш тизимига ўтказишни;

- кичик саноат зонасидаги тадбиркорлик субъектлари қўллаб қувватлаш ҳамда лойиҳаларни амалга оширишни инobatга олинади.

“Зарбдор тажрибаси” асосида туманда саноат, савдо, хизмат ва замонавий агротехнологиялар соҳасида умумий қиймати **305,0 млрд.сўмлик** драйвер лойиҳаларни амалга ошириш орқали **2,0 минг** янги иш ўринлари яратилади.

“Сайхунобод тажрибаси” асосида маҳаллаларда аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини ошириш бўйича амалга ошириладиган **9 мингдан** зиёд микролойиҳаларга кредит ажратилади.

“Уйчи тажрибаси” асосида **12,0 мингдан** зиёд кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлашнинг узлуксизлиги ва барқарорлигини таъминлаш, банк ва микромолиялаштириш хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтирилади.

Тижорат банклари томонидан **“мижозбай”** ишлаш натижасида

натижасида юридик шахс ташкил этган ҳолда туманда доимий иш ўринларини яратилишини ташкиллаштирилади.

Нодавлат мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш бўйича самарали чора-тадбирларни амалга оширилади.

Туманда **доимий, вақтинчалик** ва **мавсумий ишларга 71,0 минг** нафар ишсиз фуқароларни иш ўринларига жойлаштириш (*саноат, савдо, қурилиш, хизмат кўрсатиш тўқимачилик, умумий овқатланиш, паррандачилик, касаначилик, электротехника, транспорт*). Жумладан:

2025 йилда 11,0 минг та,

2026 йилда 13,0 минг та,

2027 йилда 14,0 минг та,

2028 йилда 15,0 минг та,

2029 йилда 18,0 минг та фуқаролар бандлиги таъминланади.

Туманда **5,2 минг та** камбағал оилаларни ҳар бири бўйича индивидуал дастур ишлаб чиқиш ва камбағалликдан чиқариш ва вилоятда камбағаллик даражасини **10,2 фоиздан 3,7 фоизга** камайтириш. Жумладан:

- 2025 йилда 7,0 фоиз

- 2026 йилда 6,2 фоиз

- 2027 йилда 5,1 фоиз

- 2028 йилда 4,4 фоиз

- 2029 йилда 3,7 фоизга камбағаллик даражасини туширилади.

Туманида экспортчи корхоналар сонини **13 тага** ҳамда 2025-2029 йилларда **52,9 млн АҚШ долларлик** экспорт амалиёти бажарилади. Бунинг учун экспортёр корхоналар билан бирма бир суҳбатлашилиб, муаммолари аниқланади ҳамда бартараф этиш чоралари кўрилади.

Замонавий автомобил йўллари тармоғини ривожлантириш, **халқаро стандартларга мувофиқ** йўл-транспорт инфратузилмасини яхшилаш, **йўл ҳаракати қулайлиги ва хавфсизлигини оширишга қаратилган** чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилади.

Бунда, 2025-2029-йилларда **460,0 км** узунликдаги умумий фойдаланишдаги ва минтақавий ички йўллар ҳамда **10 та** кўприклар ва йўл ўтказгичларни таъмирланади, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларига **400,0 млрд.сўм** маблағ йўналтирилади.

Электр энергияси таъминотини яхшилаш учун 2025-2029-йилларда **313.1 км** узунликдаги электр тармоқларини, **85 та** трансформатор пунктларини реконструкция ва модернизация қилинади. Жумладан:

*2025 йилда 55.5 км электр тармоқлари, 15 та трансформатор;
2026 йилда 59.0 км электр тармоқлари, 16 та трансформатор;
2027 йилда 61.0 км электр тармоқлари, 18 та трансформатор;
2028 йилда 61.0 км электр тармоқлари, 18 та трансформатор;
2029 йилда 70.6 км электр тармоқлари, 18 та трансформатор
пунктлари 1 та подстанция реконструкция ва модернизация қилинади.*

Газ таъминотини яхшилаш учун **5,2 км** узунликдаги газ тармоқларини ва **6 та** газ тақсимлаш пунктларини реконструкция ва модернизация қилинади.

Ичимлик сув таъминоти учун 2025-2029-йилларда **40,7 км** узунликдаги сув тармоқларини ҳамда **5 та** сув иншоотларини қуриш ва реконструкция қилинади.

Учқўрғон туманида 2025-2029 йилларда **Мустақиллик массивида 1 йўлакчи 20 хонадонли 5 қаватли 25 та турар жойлар, Дўстлик маҳалласида 5 йўлакчи 65 хонадонли 5 қаватли 1 та турар жойлар, Туркистон маҳалласида 3 йўлакчи 45 хонадонли 5 қаватли 1 та турар жойлар, Улуғбек маҳалласида 1 йўлакчи 20 хонадонли 5 қаватли 1 та турар жойлар** барпо этиш дастурини амалга ошириш.